

Инсон ва қонун

2021 йил 14 сентябрь
сешанба
№ 37 (1293)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

www.hudud24.uz

ПАНДЕМИЯ
ШАРОИТИДАГИ САЙЛОВ 3-БЕТ

КИМ ҲАҚ? ИНСПЕКТОРМИ
ЁХУД ФУҚАРО? 4-БЕТ

ГУМБАКЛАР 8-БЕТ

ЖИНОЯТ

ҲАЁТ яралгандан буён табиат ва инсон ўртасида мувоzanат мавжуд. Табиат ҳамisha шафқатга, мурувватга муҳтож. Аммо кейинги вақтларда одамзод кўп нарсаларни унутди.

Она табиат деймиз, она сайёрамиз деб, кўкрак керамиз. Аммо "Онаимиз"нинг бўйнига болта тираб, қўлларини, сохларини, оёқларини, илдизларини чопишга устамиз. Она сайёрамизни нурга эмас, қонга белаб, бегуноҳ жонзотларни нобуд қилишдан баҳра оладиган ёвузлик ёрлигини пешонамизга ёпиштиришдан орланмаймиз. Табиатга хиёнатимиз жиноят эканлигини танамизда уйлаб

ҳам кўрмаймиз... Ваҳшийлигимиз қурбонларининг уволидан кўркмаймиз.

ХИЁНАТ

Азалдан ота-боболаримиз ватанли бўлиш, макон қуриш учун олган ерларига дастлаб иморатдан олдин дарахт экишга одатланган. То уй қуриб битказилгунича дарахтлар ҳосилга кириб, мева бера бошлаган. Шу тариқа кичик боғлар бунёд этилган. Табиатга мөхр оиладан, останадан, болаликдан онгимизга сингдирилганлиги шундан.

Аммо бугун бу гаплар худди сафсатага ўхшаб қолди. Бугун минг йиллик қадриятларни менсимаслик касалига гириф-

тор бўлдик. Тирик табиатга озор беришдан заррача азият чекмайдиган, виждонимиз қийналмайдиган ҳолга келдик.

Ҳар қадамда табиатга хиёнат. Тараққиётнинг пиллапояларидан юқорига кўтарилигимиз сайин, яшил оламга хиёнатимиз шу қадар ортиб бормоқда-ки, буни тасвирлашга юзимиз чидамайди. Оддийгина мисол: баланд иморатлар қад ростлаётган майдонларнинг деярли барчаси ўрнида кечадина эгилган мажнунтоллар, мағрур тераклар, азим чинорлар бўлган. Улар бир кечада кўз ўнгимизда кўпорилиб, кесилиб ташланмоқда. Жонли дарахтларни жонсиз ўтинга айлантираётган кимсаларнинг

қилмиши жиноят, аммо уларни ҳеч ким жазога тортмайди, торта олмайди... Нега?! Дарахт кушандалари қонунларимиздаги саёзликлар, қатъиятсизликлардан куч олаётими? Арзимаган товон пуллари нобуд қилинган дарахтнинг битта япроғига ҳам арзимаслиги қанчалар ачинарли... Минглаб дарахтларни йўқотиб, шаҳарларни тошга айлантиришнинг эртага савол-жавоби борлигидан, юрагини фақат бойлик орттириш, фойда қўриш васвасаси эгаллаб олган одамлар табиат биздан ўч олаётганидан

наҳотки беҳабар бўлса?

Ташландиқ ерни обод қилиб, дарахтзор боққа айлантирган отахонларни қақшатиб, ҳосилга кирган дарахтларини яқсон қилиб, кўп қаватли уй қурган ишбилармонларга, янги хиёбон бунёд этиш шиори остидаги таъмалар билан бетакрор боғларни яланғочлаган уддабуронларга нега индамасликка ўргандик?

Табиат ва инсон

КЕСМА!!!

Осмондаги юлдуздан ҳатто
Беларуснинг дарахтлари кўп.
Ҳеч зот қўлга олмайди болта
Кесилмайди бунда битта чўп.

Синчиклаб боқ, харитасида
Яшил дунё солланар бедор.
Шаҳарларнинг қоқ ўртасида
Тиг тегмаган ўрмонбоелар бор...

Брест йўли... Тош қотдим бир дам
Иложим йўқ... Қандай қарамай?
Наҳот унга шунча ўрмон кам —
Экаяпти кимдир қарагай...


Йўл четида турардим қарахт
Қучгим келди азиз Инсонни!
У биларди ҳар битта дарахт
Суйаб турар бугун осмонни...

Ўйга ботдим... Қалб оғриқ олди —
Наҳот ердан оёқни уздик.
Кесма! Тўрт-беш дарахтнинг қолди
Осмон яқин келмоқда, ўзбек...

Кўчқор НОРҚОБИЛ

5-БЕТ

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



ҲИСОБ ПАЛАТАСИНING ҚЎШИМЧА ФУНКЦИЯЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

“ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Ҳисоб палатаси фаолияти такомиллаштирилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан Бюджет кодексига киритилган ўзгартишга кўра, эндиликда Ҳисоб палатаси бюджет тизими бюджетларининг ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг даромадларини кўпайтириш захираларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳам аниқлаш ва сафарбар қилишни амалга ошириши мумкин.

Шунингдек, **“Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”**ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, Ҳисоб палатаси:

— яширин иқтисодийetni қисқартиришга қаратилган чораларнинг амалга оширилишини ўрганади ҳамда назорат қилади;

— давлат бошқарув органларида, шунингдек, устав фондида (устав капиталида)

давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимини жорий қилиш, унинг самарали фаолият кўрсатишига доир чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилади.

Қонун билан Ҳисоб палатасининг бир қатор қўшимча функциялари, жумладан, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасидаги функциялари белгиланди.



МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида кўра, 2022 йил 1 январдан:

— камерал солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун молиявий санкциялар қўлланилмайди;

— тадбиркорлар томонидан солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаганлик учун молиявий санкциялар бекор қилинади.

2022 йил январь — июль ойларида эксперимент тариқасида Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармасида ҳисобда турган солиқ

тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботлари ҳисоблаб чиқарилади ва шакллантириб бериллади.

Шунингдек, 2022 йил 1 январгача солиқ тўловчиларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаш учун зарур бўлган солиқ солиш объекти ёки солиқ солиш билан боғлиқ бошқа объектларни электрон ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш имкониятлари яратилади.

МИЛЛИЙ СЕРТИФИКАТ ОЛИШ ТАЛАБИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Экспортчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармонида кўра, 2021 йил 1 октябрдан:

— йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ долларидан ошган корхоналарга экспорт савдо операциялари ва экспорт олди молиялаштириш кредитлари учун бир марталик молиявий ресурслар 5 миллион АҚШ долларигача миқдорда, бир йилгача муддатга тақдим этилади;




— Охириги 12 ой давомида 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган корхоналарга асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариши учун бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар олиб киришда

божхона тўловларини тўлаш бўйича фоиз ҳисобланмаган ҳамда уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунга кечиктириш имконияти бериллади. Ташки савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздор-



лик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўлланилиши 2021 йил 31 декабргача тўхтатилади. Шунингдек, 2021 йил 1 октябрдан юқори сифат ва назорат тизимига эга мамлакатлардан сертификатланган ва декларацияланган асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар, хомашё, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар, кўтариш мосламалари ва транспорт воситалари импортида миллий сертификат олиш талаби бекор қилинади.



ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ МАСЪУЛ

“Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Қарори билан Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида 2021 йил 10 июнь куни Ўзбекистон ҳамда Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида имзоланган Тожикистон-Ўзбекистон инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Битим тасдиқланди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мазкур халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргач, унинг қоидалари амалга оширилиши устидан назоратни таъминлайди.

ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИГА УЛАНИШДА ОНЛАЙН ПЛАТФОРМА ОРҚАЛИ РЎЙХАТДАН ЎТИШ МУМКИН

Ҳукумат қарори билан “Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти” тасдиқланди. Регламентга кўра, истеъмолчи электр тармоқларига улаш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат

этади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд “ELEKTR” дастурий таъминоти (Онлайн платформа) орқали рўйхатдан ўтади.


Сўровнома тўлдирилиб, тегишли маълумотлар тақдим этилади.

Хизмат учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи (27 минг сўм) миқдоридан йиғим ундирилади. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этилганда йиғим миқдори 24 минг 300 сўмни ташкил этади.

Истеъмолчилар электр тармоқларига улаш учун Онлайн платформа орқали давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат этганда йиғим ундирилмайди.


Истеъмолчи мурожаат этган кундан бошлаб 3 иш кунинда электр тармоқларига улашни рад этган тақдирда, тегишли тўлов суммаси истеъмолчига 3 иш кунинда қайтариб берилди.

Уланадиган қуввати 20 кВтгача бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш учун электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш талаб этилмайди. Бунда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан ишлаб чиқилган электр тармоқларига улаш схемаси электр таъминоти лойиҳаси ҳисобланади ва уни келиши талаб этилмайди.



Уланадиган қуввати 50 кВтгача бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш белгиланган муддатларда табақалашган бир марталик тўлов асосида амалга оширилади. Мазкур тартиб 2022 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

**Саламат ТУРЕМУРАТОВ,
“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази масъул
ходими**



МАРКАЗИЙ сайлов комиссияси жорий йилнинг 24 октябрини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилади, 23 июлдан сайлов кампанияси ўз фаолиятини бошлади. Сайлов — кўпнинг саъй-ҳаракати билан амалга ошириладиган муҳим сиёсий тadbир.

ТАХЛИЛЧИЛАР ХАЙРАТИ

Ўтган йили, ахли олам бошига тўсатдан коронавирус деган офат ёлганганда, ҳали инсоният бу "кўз илғамас ёв"нинг табиатини англай олмади, унга қарши муносиб чора тополмай, саросимада турган кезларда ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида президентликка, парламентга ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар, шунингдек, референдумлар ўтказилди. Энг қизиғи, инсон саломатлиги учун ўта хатарли кунларда ўтган ўша сайловларда талай мамлакатларнинг аҳолиси одатдагидан кўра фаолроқ иштирок этгани

ҳамда карантин талаблари асосида очiq-ошқора ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

ТИЗИМЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Ўнга яқин хорижий давлатда ўтган сайловларда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган экспертларимиз муаммони бевосита ўрганди. Мамлакатимиздаги мавжуд шароит нуқтани назаридан таҳлил қилиб, зарур тавсиялар ишлаб чиқди.

Жумладан, Марказий сайлов комиссияси, Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати

ловини ўтказишда коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалиши хавфининг олдини олиш бўйича йўриқнома лойиҳаси ишлаб чиқилиб, батафсил муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Йўриқномада сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида амалга ошириладиган ишлар, амал қилиниши лозим бўлган қоидалар, таъбир жоиз бўлса, илдан игнасиғача аниқ белгилаб қўйилган. Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида округ сайлов комиссиялари, ҳокимликлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг бу борада амалга ошираётган ишларига оид ахборотлари эшитиб борилади.

Буни ҳам халқаро, ҳам миллий тажриба яққол кўрсатиб турибди. Сиёсий партиялар аънавий усуллар билан бирга, рақамли технологияларнинг кенг имкониятларидан тобора кўп ва хўп фойдаланмоқда. Партиялар вакиллари ва номзодларнинг сайловчилар билан юзма-юз учрашувлари аҳолини кенг қамраб ололмастлиги маълум. Шу боис, пандемия шароитида сайловолди ташвиқотида телевидение, радио, босма ва интернет нашрлар, плакат ва баннерлар янада муҳим аҳамият касб этиши табиий.

"Ижтимоий фикр" нодават жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ўтказган сўров натижасида сайловчилар Президент сайловида доир янгликлар ва ахборотларни кўпроқ қайси манбалардан билиб олиши маълум бўлди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ахборотнинг энг сурталаб манбаси — Ўзбекистон давлат телевидениеси.



Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзолари комиссия ишига жалб қилинишидан аввал тиббий кўрикдан ва коронавирус инфекцияси бўйича лаборатория текширувидан ўтказилади. Коронавирусга қарши вакцина билан эмланади.

Сиёсий партияларнинг сайловолди тadbирлари, номзодларнинг учрашувлари ва бошқа тadbирлар пандемия шароитида видеоконференцалоқа тарзида, зарурат бўлганда эса очiq жойларда ёки ёпиқ бино сизимининг 50 фоизидан ортаман ҳолда (биттадан ўриндик ташлаб ўтириш тартибиде) ташкил қилиниши тавсия этилади.

Шифокор сифатида барча юртдошларимиздан, сайловчилардан вакцинация тadbирларига жиддий эътибор беришларини сўраган бўлардим. Албатта, вакцина олиш — ихтиёрий иш. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қайси мамлакатда барча аҳоли вакцинани тезроқ олган ва олаётган бўлса, ўша давлатда коронавирус офатининг таҳдиди пасайгани яққол сезилди. Вирусга чалинганлар орасида ўлим ҳолатлари кескин камайди.

Президент сайловининг мамлакатимизда мустаҳкам қарор толган тинчлик ва осойишталикда, халқимизга хос бағрикенглик ва олижаноблик, меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, сиёсий-ҳуқуқий маданият, қадимий аънавлари-мизга мос муҳитда ўтиши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Президент сайлови — мамлакат ахли учун улкан синов, катта имконият. Юрт ахлида Ватан тақдирини дахлдорлик туйғуси банд бўлса, халқнинг ҳам-жиҳатлиги ва сайловчиларнинг фаоллиги пандемия билан боғлиқ муаммолар асло монелик қила олмайди.

Миллий давлат мустақиллигининг 30 йиллик шонли байраминини халқимиз барча соҳаларда улкан муваффақиятлар билан кутиб олди. Қўлга киритилган бундай улкан муваффақиятлар Янги Ўзбекистонимиз Президент сайловидан кейинги даврда янада кучли, янада замонавийлашган, иқтисодий янада ривожланган, халқаро нуфузи янада ўсқалган, фуқароларининг истиқболга ишончи янада ортган, истиқлол кўши янада ёрқин чарақлаган мамлакатга айланади, дейишимиз учун асос бўла олади.



халқаро таҳлилчиларни ҳайратга солди. Бу эл бошига иш тушганда, инсонга хос ахиллик ва ҳамжиҳатлик туйғуларининг кучайиши билан боғлиқ.

2020 йил апрель ойининг биринчи ярмида Корея Республикаси Миллий Мажлисига бўлиб ўтган сайловда мuddатидан олдин овоз беришда фуқаролар рекорд даражада — рўйхатга олинган сайловчиларнинг қарийб 27 фоизи иштирок этди.

Инфекция хавфи туйғайли, деярли барча давлатларда бўлгани каби, Польшада ҳам локадаун — фавкулотда ҳолат эълон қилиниб, аҳолининг кўча-куйга эмин-эркин чиқиши ва юриши кескин чекланган эди. Шунга қарамай, 2020 йил 28 июнь куни ўтган Президент сайловининг биринчи туридаёқ сайловчиларнинг овоз беришдаги фаоллиги бўйича Польша тарихида рекорд ўрнатилди — 64,5 фоиз қайд этилди. 2020 йилнинг 10 июль куни Сингапурда ўтган парламент сайловида эса, рўйхатга олинган сайловчиларнинг қарийб 96 фоизи иштирок этди. Бу ҳам мамлакат тарихидаги ўзига хос рекорддир.

Президент сайловида қизгин ҳозирлик кўраётган Ўзбекистонда ҳам сайловни юртдошларимизнинг саломатлиги қатъий муҳофаза қилинган ҳолда, хавф-хатардан холи, миллий сайлов қонунчилигимиз ва умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларига биноан

ҳамда "VoteWatch Europe" аналитик маркази вакиллари иштирокида "COVID-19 шароитида сайловлар. Европа Иттифоқиға аъзо давлатлар истиқболи" мавзусида ташкил этилган семинарда пандемия шароитида сайлов ўтказиш масаласи батафсил муҳокама қилинди.

Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциациясининг (A-WEB) сайловларни ташкил этиш салоҳиятини ошириш дастури асосида "Ижтимоий тармоқлар ва сайловларни бошқариш органлари" мавзусига бағишланган онлайн ўқув курсларида ҳамда қатор халқаро вебинарларда Марказий сайлов комиссиясининг етакчи мутахассислари малака оширди.

Пандемия шароитида сайловни ташкил этиш ва ўтказишда карантин талабларига қатъий риоя этиш қоидаларини тушултириб берувчи видеороликлар, услубий қўлланмалар, инфографика ва тарқатма материалларни тайёрлаш, чоп этиш, тарқатиш ва оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилишга оид ишлар тўхтагани йўқ.

Изчил ва тизимли саъй-ҳаракатлар натижасида, тегишли вазирлик ва идоралар, жумладан, Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сай-

ЮКСАК ИШОНЧ

Республика махсус комиссияси яқинда қабул қилган қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға номзодлар ва сиёсий партиялар учун сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тadbирларни ўтказишга доир тақлифлар маъқулланди.

Бунда сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда ижтимоий масофани фойдаланишга риоя этиш каби санитария-гигиена ва карантин талабларига риоя этишга ҳамда учрашувларга тақлиф этилаётган фуқароларнинг коронавирус инфекциясига қарши эмланганлигиға эътибор қаратиш тавсия этилди.

Айни пайтда, сайловлар жараёнининг кўп йиллик бевосита иштирокчиси сифатида ишонч билан айта оламаники, сайловолди ташвиқотиға ёндашувлар йилдан-йилға ўзгармоқда. Пандемия сабаб халқимиз ҳаётига замонавий ахборот технологиялари янада кенг ва шитоб билан кириб келди. Бугун дунё мамлакатларида нуфузли халқаро анжуманлар, парламентлар сессиялари, ҳатто спорт мусобақалари ҳам онлайн шаклида, масофадан ўтказилаётганиға гувоҳ бўлиб турибмиз.

Сўров иштирокчиларининг 68,9 фоизи сайловга тайёргарлигининг бориши ҳақидаги ахборотларни, асосан, телевидениедан олади. Бу борада интернет иккинчи ўринни (33,5 фоиз) эгаллади. 25 фоиз респондентлар учун нодават телевидение каналлари ахборотнинг асосий манбаси ҳисобланади.

УЛКАН СИНОВ

Пандемия шароитида сайловда овоз бериш сайловчилар учун ортиқча ташвиш тўғдирмайди. Улар сайлов кампанияси бўйича ўтказиладиган тadbирларга ва овоз бериш куни сайлов участкасига келганларида карантин талабларига биноан бир марталик ҳимоя ниқобини тақдан бўлсалар ва ўзаро оралик масофани сақласалар бас. Бинога, хусусан, сайлов участкасига киришдан олдин сайловчиларнинг ҳароратини ўлчаш, қўлини антисептик воситалар билан зарарсизлантириш имконияти яратилади. Сайлов участкалари ва овоз бериш кабиналари мунтазам дезинфекция қилиб турилади. Тиббиёт ходимларининг навбатчилиги ташкил этилади.

Энг муҳими, барча округ ва участка сайлов комиссиялари сайлов кампанияси учун ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳимоя ва дезинфекция воситалари билан тўла таъминланади.



ЖИЗЗАХ

КИМ ҲАҚ?

ИНСПЕКТОРМИ ЁХУД
ФУҚАРО?

ФУҚАРО Ҳ.Усмонов
Жиззах вилоят ИИБ ЙҲХБ
ходимининг хатти-ҳаракати-
дан норози бўлиб, Жиззах
вилоят адлия бошқармасига
мурожаат қилди.

Мурожаатда келтирили-
шича, Ҳ.Усмоновга нисбатан
жорий йилнинг 30 апрель
куни Маъмурий жавобгар-
лик тўғрисидаги кодекснинг
128-моддаси 1-қисми билан
иккита маъмурий баённо-
ма расмийлаштирилган,
хуқуқбузар томонидан мазкур
баённомага эътироз билди-
рилиб, маъмурий ишни кўриб
чиқиш учун судга юбориши
сўралган.

Мазкур баённомаларга
асосан жорий йилнинг 12 май
куни инспектор Ж.Сирождид-
инов томонидан МЖТКнинг
128-моддаси 1-қисмига асо-
сан, ҳар бир баённома учун

122 минг 500 сўм миқдорига
жарима жазоси қўлланилган.


Ваҳоланки, вилоят ИИБ
ЙҲХБ ходимлари томонидан
жорий йилнинг 30 апрель
куни фуқаро Ҳ.Усмоновга
нисбатан расмийлаштирил-
ган маъмурий баённомалар
ва тўлланган ҳужжатлар
биринчиси — жорий йилнинг
9 июнь куни — 40 кун ҳамда
иккинчиси — жорий йилнинг
14 июнь куни — 45 кун кечик-
тириб судга юборилган. Бу
эса, Маъмурий жавобгарлик
тўғрисидаги кодекснинг 34 ва
282-моддаларига зиддир.

Шунингдек, Ички ишлар
вазирининг 2011 йил 31 май-
даги тегишли буйруғи билан
тасдиқланган "Йўл ҳаракати
қоидаларининг бузилишига
доир маъмурий ишларни
кўриб чиқиш тартиби тўғриси-
да"ги Йўриқномада мансаб-

дор шахс маъмурий хуқуқ-
бузарлик тўғрисидаги ишни
ўрганиб чиқиб, хуқуқбузар
хуқуқбузарлик фактини инкор
этса, ҳужжатларни судга
юбориши, ваколати доираси-
да маъмурий ишларни кўриб
чиқувчи органларга маъмурий
ишга оид барча ҳужжатларни
бир суткадан кечиктирмасдан
топшириши белгиланган.

Мазкур қонунбузилиш
ҳолатларини бартараф этиш
мақсадида Ҳ.Усмоновга
нисбатан жорий йилнинг
12 май куни қўлланилган маъ-
мурий жазо қўллаш тўғриси-
даги қарорларни бекор қилиш
юзасидан вилоят ИИБ ЙҲХБ
раҳбари номига тақдимнома
киритилди.

Илғоржон РАШИДОВ,
Жиззах вилоят адлия
бошқармаси масъул
ходими



15 НАФАР ХОДИМГА ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЙЎЛКИРА ТЎЛОВЛАРИ ТЎЛАБ БЕРИЛМАГАН



БУЛОҚБОШИ туман адлия бўли-
ми ташаббуси билан "Ўзбекистон
Республикаси Маданият вазирлиги
фаолиятини такомиллаштириш чо-
ра-тадбирлари тўғрисида"ги Пре-
зидент Қарори ижроси юзасидан
туман маданият бўлимида монито-
ринг ўтказилди.

Мазкур қарорнинг 11-бандига
кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб
давлат хизматчилари учун меҳнатга
ҳақ тўлашнинг ягона тизими жорий
этилганига қадар Маданият вазир-
лиги, худудий маданият бошқар-
малари, туман ва шаҳар маданият
бўлимлари ходимлари учун Респуб-
лика давлат бюджетидан ушбу хара-
жатлар учун вазирлик ҳузуридаги
Маданият ва санъатни ривожланти-
риш жамғармасига ажратилади-
ган маблағлар ҳисобидан моддий
рағбатлантиришнинг қуйидаги тур-
лари жорий этилган эди:


- ҳар ойлик озиқ-овқат учун хара-
жатларни қоплаш бўйича
базавий ҳисоблаш миқдорининг
бир баравари миқдорига
тўловлар;

- ҳар ойлик йўлқира учун хара-
жатларни қоплаш бўйича база-
вий ҳисоблаш миқдорининг бир
баравари миқдорига тўловлар,
хизмат автотранспорти бирик-
тирилган ходимлардан ташқари
тўлаб берилиши белгиланган.

Бироқ туман маданият бўлими
томонидан 2021 йил 1 январдан
мониторинг қунига қадар жами
15 нафар ходимга 76 миллион
185 минг сўм миқдоридagi озиқ-
овқат ва йўлқира тўловлари тўлаб
берилмаганлиги маълум бўлди.

Юқоридagi қонунбузилиш ҳолат-
лари юзасидан фуқаролик ишлари
бўйича Ҳўжаобод туманлараро суд-
ига даъво аризаси киритилиб, суд
буйруғи чиқарилди.

Илҳомжон АҲМЕДОВ,
Булоқбоши туман адлия бўлими
бошлиғи



ЎЗИ ЙЎҚНИНГ КЎЗИ ЙЎҚ...МИ?!

КАДАСТР агентлиги Янгиариқ туман
бўлими ходимлари жорий йилнинг 15
апрель куни тумандаги "Вакиллар" маҳал-
ласи, "Бешайвон" кўчаси, 77а-уйда яшов-
чи фуқаро Б.Сабиоров номидаги турар жой
ер участкаси давлат рўйхатидан ўтказил-
маганлигини рўқач қилиб, ўзи Россия дав-
латида бўлган хонадон эгасига нисбатан
маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида баён-
нома расмийлаштирган. Ушбу баённомани
Б.Сабиоровнинг турмуш ўртоғи Г.Нажимо-
вага имзолатиб, МЖТКнинг 68¹-моддасида
назарда тутилган хуқуқбузарлиқни содир
қилганлиги учун Б.Сабиоровга базавий
ҳисоблаш миқдорининг бир баравари —
245 минг сўм миқдорига жаримага тортиш
тўғрисида қарор ҳам қабул қилган.

Мурожаат юзасидан Янгиариқ туман
адлия бўлими томонидан мазкур маъму-
рий иш ҳужжатлари ўрганилиб, Кадастр
агентлиги Янгиариқ туман бўлимининг
маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги
баённомани расмийлаштиришда ва ушбу
маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш
юзасидан жарима қўллаш тўғрисидаги
қарорни қабул қилишда МЖТК талаблар-
ини бузганлиги аниқланди. Б.Сабиоровга
нисбатан МЖТКнинг 68¹-моддасига асосан
қўлланилган жарима жазоси тўғрисидаги
маъмурий қарор бекор қилинди.

Сардорбек ҚАЛАНДАРОВ,
Янгиариқ туман адлия бўлими бошлиғи



ХОДИМГА ИШДАН БЎШАШ УЧУН МАЖБУРИЙ АРИЗА ЁЗДИРИЛГАН

БАҒДОД туманининг
"Чек-сарой" қишлоғида
яшовчи фуқаро Абдурах-
мон Рожиёв тумандаги
39-умумий ўрта таълим
мактабига техник ходим
вазифасида ишлаб
келаётган. Нимадир
бўлди-ю, 2020/2021-ўқув
йили якунида — 2021
йил 25 май куни у ишдан
бўшатилди. Абдурах-
мон ака бундан норози
бўлиб, туман адлия бў-
лимига мурожаат қилди.

Мазкур мурожаат
ўрганилганда, А.Рожиёв-
нинг ишдан ноқонуний
бўшатилгани аён бўлди.
Яъни, мактаб директори
ва ўринбосари уни маж-
бурлаб, ишдан бўшаш


тўғрисида ариза ёздириб
олган. Ваҳоланки, ходим
меҳнат муносабатлари-
ни тугатишни истамаган.

Меҳнат кодексининг
99-моддасига мувофиқ,
ходим номуайян муддат-
га тузилган меҳнат шарт-
номасини ҳам, муддати
тугагунга қадар муддатли
меҳнат шартномасини
ҳам, икки ҳафта олдин
иш берувчини ёзма
равишда огоҳлантириб,
бекор қилишга ҳақлидир.
Огоҳлантириш муддати
тугагандан сўнг ходим
ишни тўхтатишга ҳақли,
иш берувчи эса, ходимга
меҳнат дафтарчасини
бериши ва у билан ҳи-
соб-китоб қилиши шарт.

Аммо юқоридagi ҳолатда
ёзма огоҳлантириш ха-
тининг мавжуд эмаслиги
ҳам А.Рожиёвга мажбу-
ран ариза ёздирилганини
англатади.

Шу боис, туман адлия
бўлими томонидан
39-умумий ўрта таълим
мактаби директори
номига қонунбузилиш
ҳолатини бартараф этиш
тўғрисида тақдимнома
киритилди. Натижа-
да А.Рожиёв мактаб
директорининг 2021 йил
19 июлдаги буйруғига
асосан аввалги ишга
тикланди.

Икромжон ИСАҚОВ,
Бағдод туман адлия
бўлими бошлиғи



ЎРИНБОСАР ИШГА ТИКЛАНДИ

ФУҚАРО У.Аҳмедова "Тоза ҳудуд" ДУК Шаҳрисабз туман филиа-
лида бошлиқ ўринбосари лавозимида хизмат қилган. Қашқадарё
вилоят "Тоза ҳудуд" ДУК томонидан ноқонуний тарзда ишдан бў-
шатилган. Бундан норози бўлган фуқаро, ишга тиклаш, ўзига ет-
казилган моддий ва маънавий зарарни қоплаб берилишида амалий
ёрдам сўраб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилган.

Ўрганиш натижасига кўра,
фуқаро У.Аҳмедова 2021 йил
20 апрелдан 1 май кунига
қадар Шаҳрисабз туман тиб-
биёт бирлашмаси марказий
поликлиникаси томонидан бе-
рилган меҳнатга лаёқатсизлик
варақасига асосан вақтинча
меҳнатга қобилиятсизлик дав-
рида "больничний" да бўлган.
Шунга қарамай, вилоят "Тоза
ҳудуд" ДУК директорининг
2021 йил 21 апрелдаги буй-
руғига кўра, шу куннинг ўзидан
корхонанинг Шаҳрисабз туман
филиали ва У.Аҳмедова ўрта-
сида тузилган меҳнат шарт-
номаси Меҳнат кодексининг
100-моддаси иккинчи қисми
учинчи бандига асосан бекор
қилинганлиги аниқланди.
Меҳнат кодексига ходим

вақтинча меҳнатга қобилият-
сизлик даврида ва меҳнат
тўғрисидаги қонунлар ва
бошқа норматив ҳужжатларда
назарда тутилган таътиллар-
да бўлган даврида меҳнат
шартномасини иш берувчи-
нинг ташаббуси билан бекор
қилишга йўл қўйилмаслиги
белгиланган.

Шунга кўра, вилоят ад-
лия бошқармаси томонидан
фуқаро У.Аҳмедованинг
манфаатини кўзлаб жавоб-
гар Қашқадарё вилоят "Тоза
ҳудуд" ДУКга нисбатан меҳнат
шартномасини бекор қилиш
тўғрисидаги буйруқни ғайриқо-
нуний деб топиб, бекор қи-
лиш, даъвогарни ишга тиклаш
ва мажбурий проғул даври
учун иш ҳақини ҳамда маъна-

вий зарарни ундириш тўғриси-
да фуқаролик ишлари бўйича
Қарши туманлараро судига
даъво аризаси киритилди.

Даъво аризаси судда кўри-
либ, жорий йилнинг 11 август
куни "Тоза ҳудуд" давлат
унитар корхонаси раҳбари-
нинг 2021 йил 21 апрелдаги
буйруғи ғайриқонуний деб
топилди. У.Аҳмедова ўз ишга
тикланди, бекор юрган кунла-
ри учун 4 миллион 808 минг
876 сўм иш ҳақи ҳамда
2 миллион сўм маънавий
зарар ундириш тўғрисида ҳал
қилув қарори чиқарилди.

Эльнур ИСМОИЛОВ,
Қашқадарё вилоят адлия
бошқармаси масъул ходими

Давоми. Бошлониши 1-бетда



КЕСМА!!!

Бутун дунё тарихида огрикли из қолдирган Орол фожияси эса ҳали ҳам бизга сабоқ бўлмаганга ўхшайди. Утган йилларнинг фалокатлари — Бухоро вилоятдаги сел ва шамол офатлари, Сардобадаги сув тошқини, баҳордаги ёнғингарчиликдан талофат қўрган худудлардаги вайронагарчиликлар, қурбонлар, моли-мулки-ку майли-я, азиз жонларни йўқотишлар... Булар бизни нега ҳушёр торттирмапти? Табиат биздан ўч олса, биз унга дош бера олмаслигимизни ҳаётнинг ўзи неча бор тасдиқлаган бўлса-да, биз нега ҳамон жаллодимиз, ҳамон яшил оламга тажовуз қилишдан нега ўзимизни тия олмаяпмиз?

ХОРИЖДА ДАРАХТЛАР ЭНГ ҚИММатБАХО ТАБИИЙ БОЙЛИК САНАЛАДИ

Ҳозир дунёнинг барча бурчақларидаги янгилликлардан хабардор бўлишга имкониятимиз бор. Дунё табиати, табиат дунёсидан воқифимиз. Хитойда илҳодий сафарда бўлганимизда, дарахтларга муносабатни қўриб, ҳайратимизни яшира олмадик. Кучли шамол, тўфонлардан дарахтларни ҳимоя қилиш учун ҳар бир дарахтга махсус ҳимоя белбоғлари қилинган. Ҳатто қуриган дарахтлар ҳам тирилишига катта умид билан худди шундай ҳимоя тўсиқлари ичига олинган. Ҳеч қим яшамайдиган худудларда, йўлларда ҳам дарахтзор гулларни қўриб ҳайратланишингиз аниқ. Баланд кўприкларда осилиб турган гуллар нақд мўъжизанинг ўзи.

Хитойда кўча тўла гул. Катта гул тувакларга солинган минглаб гуллар катта-кичик корхоналар, завод ва фабрикалар ҳовлисини безаб, қўрган кўзларни қувонтиради. Биз эса... Кўчаларимизга ўз ташаббусимиз билан гул ёки кўчат экиш уёқда турсин, ҳашарларда кўчаларга экилган дарахт кўчатларини парвариш қилиш ўрнига уларни ўғирлаб кетиш ҳолатларига кўпчилигимиз гувоҳимиз. Бу эса миллатимиз шаънига ярашмайдиган иллат.

Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида дарахтларга тарихнинг

тенгсиз ёдгорлиги деб қаралади. Улар худди жонли экспонатдек қадрли. Уларнинг неча аср умр қўргани, қайси мамлакат асл ватани эканлиги ёзилган пешлавлаларни қўриб, дарахтларга ҳурмат бобида жуда орқада эканлигимиздан хижолат чекканимиз рост. Тўғри, бизда ҳам тарихий дарахтлар бор. Аммо ҳозир уларнинг фақат номлари қолган холос.

Ижтимоий тармоқларда барчамизнинг эътиборимизни тортган Германия ҳақида ўзбекистонлик журналист Маърифат Нурнинг қуйидаги маълумотлари яна ҳам ибратли. "Немислар ватанини мақтаб эмас, асраб севишар экан. Ақллилик ва пухталик — немислар интиладиган фазилатлар шундай. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, олмон дийри ўзининг барча ер ости қонларини қўмиб ташлаган. На фойдаланади, на сотади... Немислар уларни ўз авлодлари учун, буюк олмон келажаги учун асраб қўйишганини айтишди.

Мана, бир неча йиллардан буён Германия шаҳарлари узлуксиз яшиллаштирилмоқда. "Яшил худуд" номини олган шаҳарлар ва вилоятларга катта миқёсдаги ёқилги билан юрадиган транспорт воситаларининг кириши тақиқлаб қўйилган. Ҳозирда "яшил худуд" ларни кенгайтириб, Германияни экологик тоза мамлакатга айлантириш учун бутун немис халқи баҳамжиҳат ҳаракат қилаёттир."

Барселонада пиёдалар учун махсус кенг ва дарахтзор яшил кўча борлиги ҳақидаги хабарни ўқиб, одамлар қўёнинг тигидан қаерга қочишни билмайдиган яланғоч кўчаларимизни эслаб ичимиз ёниб кетди. "Рамбла" деган бу яшил кўча Сизни тирикликни ҳис этишга ёрдам берадиган бошқа дунёда бошлайди.

МОРАТОРИЙ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ... АММО...

Дарахтларни кесишга биринчи марта мораторий эълон қилинганда, кўпчилик ҳайрият, дарахтларни кесадиганларнинг танобини тортиб қўядиган ҳужжат

чиқди, деб қаттиқ қувонган эди. Минг афсуски, чучварани хом санаган эканмиз. Қаловини топса қорни ҳам ёндирадиганларнинг ҳаммаси бизнинг юртдошлар экан. Мораторий ҳам уларга қор қилмади, қоғозларда қолиб кетди... Мораторийнинг "қўзини боғлаб", эҳ-ҳе, қанчадан-қанча дарахтлар кесилиб, қанча-қанча боғлар барбод бўлди.

Давлатимиз раҳбари яқинда ўтказган видеоселектор йиғилишида "Дарахтларни кесишга мораторий 2024 йилга қадар узайтирилади ва жавобгарлик кескин кучайтирилади", деган қатъий қарорга келди. Қўрагимиз табиат кушандалари энди нима қиларкин?

"ЭКОЛОГИЯ — ҲАЁТ-МАМОТИМИЗ —

БИТТА ҚЎМИТА ЭМАС, ЖАМИЯТИМИЗ ЎЗГАРИШИ КЕРАК!"

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари масалага ҳар қачонгидан ҳам чуқурроқ ёндашди:

"Экология — ҳаёт-мамотимиз. Мен ҳозир Экология қўмитаси раҳбари ишдан олинганини айтдим. Аслида битта қўмига эмас, жамиятимиз ўзгариши керак. Ҳар битта дарахтни сақлаб қолиш учун ҳамма курашиши керак. Бу масалада ҳар доим гапириб келинган, лекин натижа бўлмаган. Энди назорат қаттиқ бўлади."

Ҳа, соҳадаги тизимли муаммолар ҳал қилинмагани ва йўл қўйилган камчиликлар учун Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Алишер Мақсудов лавозимидан озод этилди. Экоқўмига раҳбарлик фақат мансаби билан ҳаволаниб юришдан иборат эмас, балки табиат билан бирга нафас оладиган, табиатнинг жароҳатини, огрикларини, ноласини ўз танасида ҳис эта оладиган, тинглайдиган инсоннинг виждон амри бўлиши керак! Дарахтнинг бирор шохини кесганларини кўрса, шу раҳбарнинг танаси ҳам зирқираши керак! Бу соҳанинг

гуноҳи-сабови шунда!

Йиғилишда октябрь-ноябрь ойларида 55 миллион дона, келгуси йил баҳор мавсумида автомобиль йўллари, дала четлари, барча аҳоли масканларида 70 миллион дона тут, павловния, мевали ва манзарали дарахтлар, шунингдек, тез ўсувчи ва бошқа кўчатларни экиш шартлиги қайд этилди.

Ўтган 6 ойда 316 минг дона қимматбаҳо дарахт асраб қолинган. Бироқ, шунга қарамайдан, ўтган даврда 2,8 мингта қимматбаҳо ва 2 мингдан зиёд кам қимматли дарахт ноқонуний кесилган. Жумладан, бундай ҳолатлар Сурхондарё, Жиззах, Хоразм, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрида энг кўп қайд этилган.

ИСЛОМДА ТАБИАТГА МУНОСАБАТ...

Ҳеч шак-шубҳа йўқки, ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асримизнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб турибди. Бу муаммо ўзининг инсониятга келтириши мумкин бўлган фожияли оқибатлари буйича ядро ҳалокатидан кам эмас.

Бизни ўраб турган сув ва она замин, бизга ҳаво бахш этаётган наботот олами қанчалар қимматли эканлигини, биз бу муқаддас бойликларни келгуси авлодларга асраб-авайлаб қолдиришимиз шартлиги муқаддас китобларда ҳам зикр этилган.

Инсоннинг бу дунёдаги масъулияти ҳақида кўпгина ҳадиси шарифларда ҳам ёзилган, улардан бирида Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Бас, ҳаммангиз масъулдирсиз ва барчангиз ўз масъулиятингиздан сўралурсиз", дейдилар.

Бу қисқа сўзларда олам-олам маъно бор бўлиб, улар инсонларнинг юқорида зикр қилинган вазифасини ҳамда ер юзиде тинчлик ва омонлик бўлиши учун Аллоҳнинг олдидаги масъулиятини ўзида муҳассамлаштирган.

Аллоҳ яратган нарсаларни ҳалок этиб, йўқ қилаётганларни эса Исломи "фасодчилар" деб атайди. Бу ҳақда: "Ва бурилиб кетганда ер юзиде фасод учун ва экин ва наслини ҳалок қилиш учун ҳаракат этадир. Ва ҳолбуки, Аллоҳ фасодни ҳуш қўрмас", дейилган (Бақара сураси, 205-оят).

Бу икки олам — ўсимликлар олами ва ҳайвонот олами Исломда инсон учун энг зарур бўлган нарсалар ҳисобланади. Кимки буларга зарар етказса, инсониятга зиён етказган бўлади. Шу ўринда... Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) умматларини кўчат ўқизиш ва экин экишга тарғиб қилганлар. Анасибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: "Агар қиёмат бўлиб қолса ва биронтангизнинг кўлида хурмо дарахти кўчати бўлса, уни экиб қўйсин" дедилар. (Имом Аҳмад ривояти)

Хулоса шу, инсон энг ақлли мавжудот. У хоҳласа тоғларни талқон қилади, космосни забт этади. Аммо ўз нафсига қўл бўлиб, очқўзлик ва шафқатсизлик гирдобига тушиб қолса... кечирилмас хатолар қилади, жиноятларга қўл уради. Табиатга шафқатсизлиги, нафақат ўз-ўзи-га, балки бутун инсониятга зиён келтиради. Муҳиш хатолари табиатни издан чиқаради, табиат ундан ўч олганда эса, тўфонлар қаршидада ожиз қолади, қайтар дунё тегирмонидан омон чиқмайди...

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири





Баходиржон ШЕРМУХАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори,
педагогика фанлари доктори

Муносабат

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан кейинги ўйлар

Янги Ўзбекистон обод ва фаровон мамлакатга айланади

ХАЛКИМИЗ орзиқиб кутган байрам — истиклол тантаналари бу гал юртимизда ўзгача, янгича руҳда нишонланди. Айниқса, Ўртабшумизнинг ушбу байрамга бағишланган тантанали маросимдаги нутқи халқимиз юрагидagi орзу-истаклар, ахллар ва эзгу максалларни юксалтирди.

Президентимизнинг ўз халқи, миллати билан юзма-юз туриб, очкилик ва ошқоралик билан ўтган давр, босиб ўтган йўлимиз, эришган натижаларимиз, турли соҳаларда амалга оширилган ишлар, келгусидаги режа ва максалларимиз замирида инсон манфаатлари, унинг кадр-қиммати, фаровон ҳаёти ётгани хусусидаги сўзлари барчани тўлқинлантирди.

Баян наздимизда ҳаёт шиддат билан ўтаётгандек, тараккиёт ўзи одимлаётгандек, атрофимиздаги ўзгаришлар ва янгилавишлар гўё фаслар алмашишга қабил ўзи содир бўлаётганлик туюлади. Лекин ўтмишга теран нигоҳ ташлаб, кеча ва бугунни холис киёс этиб, ҳаёт чархалагини тинчлик билан айлантираётган механизм тўғрисида ўйлаб кўрганмизми?

“Токка чикмасан, дўлона қайда”, дейди самимий замирида ҳалол машаққатни зикр этган доно халқимиз. Шу маънода айтганда, истиклол йилларида не-не балинд чўқиқларни босиб ўтиб, тоғлар қадар юксак марраларни забт этдик. Пировадиди шу қулларда катта тантаналар билан нишонланаётган азиз ва муқаддас санага ёруғ юз билан, ёруғ истиклол билан, ёркин натижалар билан етиб келдик. Элимиз эркин, миллатнинг иззат-хурмати, ор-номуси, гурури учун бош кўтарган истиклол курашчилари, элни маърифатли қилиш истагида ёнган жадидларимиз, халқни мустақлақ зулмидан ҳалос этмоқчи бурчи деб билган шеърорак баходирларимиз бутунги дорилмомон қулларни қанчалик орзу қилган эдилар.

Ўртабшумиз таъкидлаганидек, биз бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги мамлакатни, эркин фуқаролик жамиятини барпо этар эканмиз, сиёсий-ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам бўлган жамиятни шакллантириш, инсон ҳуқуқлари ва унинг қонуний манфаатларини энг олий даражага кўтариш, сўз ва виждон эркинлигини таъминлаш сари илдам бормоқдамиз. Албатта, амалий ҳаракатларимизнинг самараси ҳам бутун жаҳонга буй кўрсатди. Бу борада инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиянинг қабул қилиниши, биз учун оғриқли масала бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнатининг тугатилиши, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролик

масаласи бўйича қаҳирига жавобан ўтган йиллар мобайнида 50 мингдан ортиқ юртдошларимизга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилиши чинакам тарихий воқелик бўлди.

Шу ўринда биргина олий таълим тизимига амалга оширилаётган оламшумул ислохотларни эътироф этиб ўтсак. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида бир тарихий ҳақиқатни айтиб, таълим ўзгарса, инсон ўзгариши, инсон ўзгарса, бутун жамият ўзгаришини таъкидлаб ўтди. Ушбу ҳақиқатнинг жонли акси бугун ёшларимиз ҳаётида, интилишида, эришаётган ютуқларида очик-ойдин намоён бўлмоқда. Ўтган 5 йил мобайнида 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, айни пайтда уларнинг сони 141 тага етгани, мислсиз даражадаги ўсиш бўлган — қабул квотасининг 3 баробар оширилгани бу — юрт раҳамоси ёшларни мамлакат тараккиёт моделига айлантираётгани, ҳар қаламда уларни қўллаб-қувватлаётганининг ёркин исботидир. Шу билан бирга, Президент томонидан жорий йил 13 июлда имзоланган “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ёшларга оид давлат сиёсатининг янги, муҳим босқичга кўтарилганини кўрсатди. Тарихий ҳужжатнинг ҳар бир баҳидида Ўзбекистон ёшларининг меҳнат фаолияти, таълим олиш жараёни, оила ва жамиятдаги максалларини амалга оширилишига кўмак берилиши, ёш авлод манфаатларининг чуқур ҳимояси ўз ифодасини топади.

Ўртабшумизнинг эътибори ва рағбатидан куч олган, янги ташаббус ва максаллар сари қадим қўяётган ёш авлод эса эндиликда Ватанимиз истиклоли, ёруғ келажагимиз бунёдкори, деган эътирофга яраша интилиши, изланиши даркор. Қолаверса, дунё микёсида рақобатнинг кескин тус олаётгани фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқлари билан қуролланиш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу борада ёшларнинг таълим-тарбияси, она Ватанга, Истиклол гоғларига садоқати, миллий қадриятларга эҳтиром, буюк аجدодларга муносиб ворислик эътиқоди бизни Янги Ўзбекистон истиклолига етаклайди, албатта.

Хулоса ўрнида айтиш зарурки, бугун шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро Янги Ўзбекистонга муносиб бўлиш учун шунчаки яшамаслиги, меҳнат қилганда ҳам шунчаки ишламаслиги, унинг борлиги, мавжудлиги, ураётган юрагини чўғи ва тафти Ватанга сезилиб туриши шарт!

СўНГИ пайтларда бутун дунё кўрайдиган, ўқийдиган ижтимоий тармоқларда миллий менталитетимизга, қадриятларимизга эид хабарлар тарқалаёпти. Катталарга хурмат, кичикларга иззат, деган нарсалар унутиб қўйилмоқда. Шарму ҳаёдан йироқ, муомала ва кийинини маданияти топталган, она тилимизга хурматсизлик сингари нохуш ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий тармоқ одоби киши дилини хира қилади.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚ ОДОБИ

Кези келганда шуни таассуф билан қайд этиш лозимки, ижтимоий тармоқлар айримлар учун ўчи олиш, бировни шарманда қилиб хузуруларни манбаи бўлиб қолмаётими? Ҳатто кўпгина товламачилик жинойтларини ҳам келтириб чиқармоқда. Яъни, суратта ёки видеотаъбирга олиб, ижтимоий тармоқда тарқатиш билан қўрқитиб, қимдан-қир пул ундиришга уринаётган, окибатда жиний жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг қилишига ҳам гувоҳ бўляпмизку. Ана шундай товламачилик нагжасида ўз жинг касд киши ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

НОХУШ ВА ЁЛҒОН ХАБАРЛАР

У хоҳ интернет сайтлари, хоҳ бошқа ижтимоий тармоқлар бўлсин, ҳар қуни нохуш, одамларни ваҳимага соладиган, ҳар қандай қилининг қайфиятини бузадиган муждаларга кўзимиз тушмай иложи йўқ. Эътибор беринг-а, “Наманганда “Газель” йўлини кесиб ўтаётган велосипедчини уриб юборди. Жабранувчи шифохонада вафот этди”. “Самарқандда Spark пидедалар йўлакчасидан ўтаётган аёлини уриб юборди”, “Қашқадарёда Nexia-3 уриб юбориши оқибатида велосипед минган бобо ва набира вафот этди”, “Қоринга қайчи ёки пичоқ тикиб ўзимни ўлдиришим кераклигини айтиди” — Қашқадарёда номуси топталиб, 15 ёшида она бўлган ўқувчи киз”, “Тошкентда ўз фарзандининг мурдасини ёки юбориб, сўнг унинг йўқолгани ҳақида хабар берган аёлга суд ҳукми ўқилди”, “Сурхондарёда набира бувсининг қўйларини ўғирлади”, “Сирдарёда икки киши бир қизни фоҳишалikka сотмоқчи бўлди”, “Бухорода жазманини қўрқитиб, ундан пул ундиришга бўлган киз ушланди”, “Тошкентда ҳайдовчи юк машинада аёлини уриб кетди (видео)”, “Қашқадарёда бобо ўз набирасини пичоқлаб қўйди”, “Жиззахда аёи уч киши томонидан зўрланди”, “Қамчиқ довоида юк машинани ағдарилиб кетди”. Бу рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин. Гўёки республикамизнинг ҳамма нуктаси нотинчдек. Агар ўша хабарларни ўқимасак ҳам сарлавҳасининг ўзиёқ сизу бизнинг асаби-сининг тараплагитиради. Кун бўйи қайфиятимизга таъсир қилади. Ахир бундай нохушлиқлар фарзандларимизнинг руҳиятини, тарбиясини бузмайдими? Ёки қотилликдек ўта оғир жинойтлар ёшларимиз учун оддий ҳолга айланиб, уларнинг дийдасини қотириб қўймайдими?

Ваҳоланки, мактансак, жамоатчиликка, дунё афкор оммасига кўз-кўз қилсак арзийдиган янгилик ва муваффақиятларимиз, маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, бой илмий ҳамда маънавий меросимиз, хуллас, ибрат олгулик жиҳатларимизнинг сон-саногини йўқ-қу юртимизда. Энг муҳими, Европа ва океан орти мамлакатлари маданиятини, илму хунарни шарқдан, хусусан, бизнинг аждодларимиздан ўрганган.

Албатта, биз улардан ибрат олишимиз керак.

Ижтимоий тармоқларда жамоатчиликни қалғитадиган, аҳоли орасида шов-шувларни, ғийбат ва муҳокамаларни келтириб чиқарадиган ёлғон хабарлар ҳам оз эмас. Айтайлик, бирор-бир воқеликни олдиндан башорат қилиб, қонуний ва аник асосга эга бўлмаган ёхуд оғир касалликдан даволанаётган қайсидир таниқли шахсни “ўлди”га чиқариш сингари ёлғон хабарлар ҳаммани қалғитади. Ҳатто турли норозлиликларни ҳам юзага келтиради. Уларни тарқатаётганларга қарата ай-тмоқчимизки, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда Жиноят кодексига ёлғон хабар тарқатганлик учун маъмурий ва жиний жавобгарлик белгиланган.

СЎЙКИШ, УРИШ ВА ҲАҚОРАТ

Айрим маҳаллий мансабдорларнинг, олий юридик маълумотга эга бўлган қонун ҳимоячиларининг турли мажлисларда ўз қўл остидаги ҳодимларни сўйиб ҳақоратлашичи? Ахир бу нафақат ўша раҳбарнинг, балки у хизмат қилаётган тизимнинг ҳам обрўсига пугур етказди-ку. Юртимиздан ташқаридаги ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари давлат хизматчисининг бу тахлит маданиятсизлигига қулмайдим?

Айниқса, ҳақорат қилганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (41-моддаси) ҳамда Жиноят кодекси (140-модда)да тегишли жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, айрим устоз-мураббийлар ва боғча тарбиячиларининг ўқувчиларни, болажонларни ургани ҳақидаги видеотаъбирли хабарларни ўқиб, кўриб қоламиз. Шу билан бирга, сўнгги пайтларда ўқитувчиларнинг ота-оналар томонидан, шифокорларни эса беморнинг яқинлари томонидан қалтаклангани оид хабарлар ижтимоий тармоқларда кун мавзусига айланмоқда. Қашқадарёдаги қалтакланган ўқитувчи ёки Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги гинеколог аёлининг собиқ ички ишлар органи ходими томонидан соқидан судраб, тан жароҳати етказилиши жиддий муҳокамаларга сабаб бўлди.

Ана сизга инсоннинг тафаккури, қалби ҳамда жисми жонига малҳам бўлаётган кишиларга муносабат! Президентимиз томонидан мактаб таълимига, ўқитувчиларнинг макомини оширишга жиддий эътибор қаратилаётган ёхуд тиббиёт тизими ислоҳ қилиниб, шифокорлар меҳнати қадрланаётган бир пайтда юқоридаги сингари нохуш ҳолатлардан ҳамюртларимизнинг дили ранжимоқда.

ТИЛИМИЗГА ХУРМАТСИЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Таассуфлар бўлсинки, ижтимоий тармоқлардаги ўзаро мулоқотларда — ёзма суҳбатларда Она тилимизга хур-

матсизлик, яъни ўзбек бўла туриб, тилимизнинг оддий қондаларини билмаслик, тиниш белгиларига риоя қилмаслик, рус ва ўзбекча, ҳатто инглизча сўзларни ёки крилл ва лотин алифбоси харфларини аралаштириб ёзиш сингари ҳолатлар кўнгилни хуфтон қилади. Яъни, кўрсаволлик илдиз отаётгани сезилиб қолмоқда. Хусусан:


— Баерамиз муборе буси
“Байрамизги муборак бўлсин!”
демоқчи.
— Сланям табрикلمان
“Сизларни ҳам табриклайман”
демоқчи.
— Buruv onda ekan
“Биру ўнда экан” демоқчи.
— h rahmat
“Ха, раҳмат” демоқчи.
Ёки:
— kuratrdimi telefon qib sorab
korin

“Синф раҳбариданми телефон қилиб сўраб кўринг” демоқчи.
— Хоп
“Хўп”
Баян “Хўп” сўзи ўрнига инглизча “Ок” (яъни) сўзини қўллашади. Бундай ҳолатларни асосан телеграм, Фейсбук ва инстаграмдаги ёзишларда учратасиз. Бир зиёли юртдошимиз ана шундай “саводли”лардан бирига эътироз билдирса, ўша кимса узр сўраш ёки хатосини тугатиш ўрнига “Хато ёъсам, биров мен жавобгарликка тортармиди?”, дея тутун қайтарибди. Ваҳоланки, тилимизга нисбатан хурматсизлик кеңирилмас, муроса қилиб бўлмас воқелик сифатида баҳоланиши керак.

ХУЛОСА

Ижтимоий тармоқларнинг бизга фойдаси, қулайлиги бекиёс. Ундан исталган маълумотингизни бир зумда оласиз, қайсидир идора эшигига сарғаймай, уйда ўтирган жойингизда мурожаат қиласиз. Дунёнинг нариги чеккасидаги яқинингиз, дўсту биродарингиз билан ёнингизда тургандек қўришиб, мулоқот қиласиз, истаганча ахборот алмашасиз. Пул олди-бердиси ёки банк операцияларини амалга оширасиз, ўзингиз ёхуд меҳнат жамоангиз учун манфаатли битимлар, шартномалар тузасиз. Жаҳон ва ўзбек адабиёти, санъати, тарихи, маданияти, кўйинги, ҳар қандай маънавий билимлардан баҳраманд бўласиз. Биргина тугмачани боссангиз бас, юртимиз ва бутун оламдаги сўнги, қаймоқ янгиликлардан воқифсиз. Умуман олганда, интернет ва бошқа ижтимоий тармоқларнинг афзаллигидан фойдаланмай иложингиз йўқ. Бир кун эмас, бир соат телефонингизда пулингиз тугаб қолса ёки тўлқин мавжуд бўлмаган жойга бориб қолсангиз, худди бир нимангизни йўқотгандек, бутун дунёдан узилгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Фақат ижтимоий тармоқдан фойдаланишда унинг ҳам ўзига хос одоб борлигини унутмасак бўлган.

Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири



**Омонулла
МУҲАММАДЖОНОВ,**

Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори

Афғонистон масаласидаги ҳамкорлик

МИНТАҚА ХАЛҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида минтақавий ва жаҳон миқёсида фаол ташқи сиёсат олиб бориб, хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантирмоқда. Бундай изчил ва конструктив ташқи сиёсат халқаро экспертлар ва кузатувчилар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Сўнгги йилларда Жанубий Осиёнинг стратегик жиҳатдан муҳим минтақасида, айниқса, Афғонистон масаласида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаоллиги янада орди. Шу маънода айтганда, Ўзбекистоннинг Ҳиндистон ва Покистон билан бу минтақа бўйича алоқаларини жадаллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиши муҳимдир.

Президентимиз 2020 йил 29 декабрда парламентга йўлланган Мурожаатномасида Жанубий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик масаласига ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши сифатида алоҳида тўхталиб ўтганди. Шу йилнинг 15-16 июль кунлари Тошкентда ўтказилган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги юқори даражадаги халқаро конференция бу борадаги муҳим қадам бўлди. Мазкур конференция иштирокчиларига йўлланган табригида Юртбошимиз "Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустақкам

замин яратди. Ўзаро алоқаларни ва минтақавий ҳамкорликни мустақкамлашмасдан туриб, бугунги кунда мамлакатларимиз дуч келётган хавф-хатар ва таҳдидларни енгиб бўлмаслигини чуқур англаш вақти келди. Биз фаровонлик ва тараққиётга эришиш йўлида биргаликда ривожланиш истиқболлари бўйича яхлит ёндашувларни ишлаб чиқишимиз лозим", дея таъкидлади. Ўшанда халқаро анжуман иштирокчилари минтақавий ўзаро боғлиқлиги янада чуқурлаштириш йўлида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни илгари суриш имкониятларини муҳокама қилдилар. Савдо, инвестиция, транспорт, энергетика ва инновация, "яшил" технологиялар, аниқ лойиҳалар ва ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш, илмфан ва маданият соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, икки минтақанинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли фикр алмашиш ва таклифларни ишлаб чиқиш амалга оширилди.

Икки минтақанинг ўзаро боғлиқлиги масаласи тасодифан юзага келмади. Марказий Осиёда миллий давлатларни қуриш ва янги суверен ривожланишда фалсафий ва амалий маъноларни излашнинг замонавий саволларига жавоб бериш учун тарихга, маданий илдишларга мурожаат қилиш ҳамда ўзлигини англашда фаол изланиш муҳимдир. Бу эса мавжуд фарқларга қарамай, икки минтақанинг муҳим цивилизация роли ва уларнинг умумий тақдирини англашга кенг йўл очиб беради.

Айни пайтда минтақамизнинг халқаро хавфсизлик тизимидаги аҳамияти кескин ошиб, хавфсизликнинг узвий боғлиқлиги яққол намоён бўлмоқда. АҚШ қўшинлари олиб чиқилганидан кейин кескин ёмонлашган Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазиятни юмшатишга асосий вазифа сифатида ургу берилмоқда. У ердаги вазиятни барқарорлаштириш, шубҳасиз, икки минтақа хавфсизлигига таҳдидларни камайтиришга қўмак беради. Бунга уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ижтимоий-иқтисодий макондаги муаммоларни изчил ҳал этиш орқали эришиш мумкин.

Бугунги энг муҳим мақсад – Жанубий ва Марказий Осиёни боғлаш масаласидир. Аммо улар ўртасида ҳамон нотинч бўлиб келаётган Афғонистон мавжуд. Бинобарин, иккала минтақа давлатлари ўртасидаги алоқаларни мустақкамлаш орқали Афғонистондаги вазиятни имкон қадар тезроқ барқарорлаштириш муҳим ҳисобланади. Тошкент конференцияси эса, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасида минтақавий ўзаро боғлиқлиги ривожлантириш ва мустақкамлашнинг бир қатор долзарб масалаларини очиқ муҳокама қилиш учун ўзига хос имконият яратди. Давлатимиз раҳбари "Янги Ўзбекистон" газетасига берган интервьюсида ҳақли равишда таъкидлаганидек: "Азал-азалдан ўзаро қардош ва биродар бўлган мамлакатларимиз кўпгина минтақавий ва глобал масалалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўйича яқин ҳамкорликда ҳаракат қилишни бошлади. Жаҳон сиёсатшунослигида "Марказий Осиё руҳи" деган ибора пайдо бўлди".

Шу ўринда конференция

натижаларини тавсифловчи бир неча жиҳатларга эътибор қаратсак. Аввало, анжуман иштирокчиларнинг фикрича, ҳар икки минтақанинг гуманитар ва иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш лозим. Мавжуд транспорт ва транзит имкониятларидан самарали фойдаланиб, Марказий ва Жанубий Осиёнинг бутун ҳудудини инвестиция, технология ва инновация, фаол гуманитар ва сайёҳлик алмашувлар учун жозибдор маконга айлантиришда қадимий Буюк Ипак йўлини тиклаш орқали истиқболли ягона бозорни яратиш зарур бўлади. Шу билан бирга, транспорт-коммуникация инфратузилмаси билан боғлиқ кўп томонлама лойиҳаларни амалга ошириш муҳим. Анжуманда таъкидланган минтақалараро интеграция концепциясини амалга ошириш зарурлиги муносабати билан Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган улкан ҳамжиҳатлик гоёси олдиндан кўра билиш ва тўғри прогноزلаш натижаси сифатида баҳоланди. Энг муҳими, Ўзбекистон минтақанинг илгор давлати, унинг "локомотив"и ёки "Осиёнинг янги йўлбарси" макomini олди. Қолаверса, мазкур халқаро анжуман янги Ўзбекистон олиб бораётган фаол ташқи сиёсатнинг улкан ютуғи ва мантқий давоми сифатида баҳоланди. Бу эса ўз навбатида, миллионлаб турли маданият, тил ва динга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ишонч ҳамда самимий мулоқот, бағрикентлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини тубдан мустақкамлади. Шу билан бирга, икки минтақа ўртасидаги икки томонлама ва минтақалараро ҳамкорликни ривожлантиришда

янги даврни очди.

Тошкент конференциясида Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги формати мустақкамланди. Чунки барча мамлакатлар минтақалараро муносабатлар доирасидаги ҳамкорликдан самарали фойдаланиб, Ўзаро манфаатли, минтақавий ҳамкорлик натижасида хавф-хатарлар камаяди, хавфсизлик даражаси ортади. Айни анжуман нафақат Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустақкамлашга ёрдам беради, балки икки Осиё минтақаси мамлакатларининг фаровонлиги ҳамда ривожланишига ҳисса қўшиб, хавфсизликни таъминлаш ва ўзаро ишонч муҳитини мустақкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

ЭЪЛОНЛАР

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 23 августдаги буйруғига асосан Андижон шаҳридаги "BEST CONSULTING" адвокатлик фирмаси адвокати Салимохунов Муҳиддин Нуриддиновичга 2019 йил 18 мартда берилган AN 000222 рақамли, "AL NAJOD" адвокатлик бюроси адвокати Касимов Махаммад Камалдиновичга 2018 йил 21 декабрда берилган AN 000130 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақоми аризасига кўра тугатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 19 августдаги 176-ум-сонли буйруғига асосан Қўчқоров Илхом Гуламовичга бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган NV 000070-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат мақоми тугатилди.



Қўчқор НОРҚОБИЛ


Бу ер отамнинг уйимас.
Ҳаммасини ишдан бўшатиб,
ҳайдасам. Холтош
холанинг таъбирича,
“тирқиратиб қувсам...”

ҒУМБАК

ҒУМБАКЛАР

ҒУМБАКЛАР

ҲИКОЯ



Қаердан ҳам шу ерга бошлик бўлиб келдим, ўзим ҳам оладиганимни олдим. Бир ҳафтада бўларимча бўлдим.

Холтош хола кирди хонамга, кўзининг шўрвасини окизиб, айт-тарга гапи шу: “Ука, кучингиз бир бева фаррошга етдими?” Азалдан йиғига тоқатим тоқ, айниқса, аёл кишининг увиллаши суяк-суягимни увилтиради. Холани бир амаллаб юпатдим. “Ваъда”мни олгач, хонамни тарк этди. Зум ўтмай кадрлар бўлими бошлиғи Нейла хоним пайдо бўлди.

Юзида қон йўқ, лаблари пир-пир учди, кипригида халка ёш.
— Мени бўшатайсизми? Шу гап ростми?

Аёлнинг изза бўлиб ночор қолишини кўрсам, бошимда қоним кўпчиди.

— Сизга буни ким айтди?
— Ҳамма шундай дейпти-ку...
Уни ҳам хотиржам этиб эшиккача кузатдим.

Қоровул кирди.
— Йўқ, ишдан кетмайсиз, ишлаверинг, — дедим у энди оғзининг талқонини ютиб, лабини жуфтнагма бўлишга шайлаган эди ҳамки.

— Одамлар ишхонани ипидан игнасиғача янгилашкан дейишайпти-ку.

— Сиз ип билан игна эмас-сиз-ку. Боринг, ишингизни қилаверинг!
Қоровул кетди, ишониб-ишонмай.

Ҳайдовчи хизмат машинадаги аккумулятор ва магнитофонни олиб кетибди. Ходимлардан бирига топиб кел, деб жўнатдим.
— Командаси билан келаркан-ку, бизни барибир хайдайти. Межуду прочим, аккумулятор билан магнитофонни ўзининг пулимга олиб қўйганман.

Ходим эса уни эмас, шу гапларни топиб келди.
— Касофатнинг кайфи бор. Фойдаси йўқ. Эрталаб борганимиз маъкул, — деди у. “Нима юмуш бўлса бажарамиз...”, деган илданою имдод бор эди “чопар”нинг юзуда.

Хуллас, ишхонадаги кичик ходим, ходим, катта ходим, бўлим бошлиғи бир-бир кўриниш беришди. Чақирмасам ҳам у-буни баҳона қилиб қўйингизга қўл, кўнглимга йўл солиб кўришди.

— Менда ишингиз бормиди? — Остонада тебраниб турган ходим бир сесканиб тушади.

— Йў-ў-ў, ха-а-а, халиги Тўлдин амаким, курсдошингиз салом айтиб қўй, — деганди.

— Саломат бўлсин. Раҳмат. Бораверинг.

— Қ-қаёққа?

— Ишингизни қилаверинг. Қаёққа бўларди.

— М-м-мен ишламан, айтганингизни бажараман.

Энсам хотади.
Бир оздан сўнг ходим ва катта ходим киришди. Ходим кайнонаси оғир ётганини айтиб, тушликкача жавоб сўради ва остонага етгач бурилиб, ийманибгина қаради.

— Сиз ишлайсиз, фақат бундан кейин ўз вазифангизни сидқидилдан бажарсангиз бас.

У бироз довлдиради-да, ортидан ёв қувгандай ташқарига отилди. Катта ходимнинг ҳам хавотир оловини ўчириб жўнатдим.

Бўлим бошлиғи Қулмирзаники олиб тушди. Рўпарамда мумсайиб ўтириб, ихранган қўйи мингирлади:

— Шу, қўл остимдагилар олдинги бошликни орқа қилишиб, талтайиб кетишувди. Бари ўша кишининг одами-да, энди бурунларини ерга ишқайман, айб мендамас, рухсат берсангиз, ишлаймиш.

Қулмирзанинг қувлик нуқс урган юзига боқиб, галати аҳволга тушаман. Алланечук ожизлик ва нотавонлик юки ишхонани босиб турганини хис қиламан. Бу юкни кўтариб, четга улоқтириб ташлагунча белим беланги бўлса керак.
— Эшикдан кираверишга “Ҳеч кимни ишдан хайдамайман!”, деб эълон ёзиб қўйсам, эртага телевизорга чиқиб қасам ичсам, қутилманми? — дедим зардам қайнаб.

Қулмирза қуллиқ қилди, совуқ бир илжайиш олиб даф бўлди.
— Яхши қилдингиз, хўжайин! Ҳаммасини шундай қўлга олинг. Илжой бўлса, кўпини бўшатиб-бушатиб юборинг, тозалаб оласиз, — деди ўзини менга жуда яқин тутиб юрадиган, эл-юртга танилиб қолган шоир Собит Муқим.

Шоирнинг ялтоқлигини жуда ёмон, хунуқ кўринаркан. Шоир-а?... Шоир!! Давраларда мен билан хазиллашиб, баҳсу акс қилиб турадиган Собитнинг ичкинаси илвариб “хўжайин”, деб илжайиб туришдан ўзим изза бўлиб кетдим, у мени худди ҳақоратлаётгандай, мазах қилиб устимдан қулаётгандай туюлди. Қўзига жиддий қарадим, э-е-е-й,

унинг нигоҳлари тубида мўлтилаган мутелик аксини кўрдим. Негадир ўзимни айбдор сезиб, уйлиб кетдим.

— Хўжайин, — деди у юти-ниб, — анавини хайдаб тўғри қилдингиз.

— Кимни?

— Мовуннида.

Сесканиб кетдим. (Эси жойида-ми бунинг?)

— Уни ким хайдади, у киши хайдалмади. Аксинча, юқорига кўтарилиди-ку, бир соат олдин тепага тайинлашди-ку.

Собит бўзарди. Юзидан қон қочди. Ичидани, бўғизданми галати бир гингшиш эшитилди. Хунуқ илжайди.

— И-е-е, шу... шундайми? Мен-мен хазиллашдим-да, лекин, ҳамма Тўра Расуловични сиз келгач хайдалди, деб гапириваётувди-да, одамларга ҳам бир гап бўлган-а...

Тоқат томирим узлишни мумкин, газаб риштаси тилимга боғланганини хис қилиб, оғиз очмадим. “Бораверинг” маъносидан бош иргалдим. Собит мендаги нохушликни сезди, ўлмайининг қунидан илжайиб ўрнидан турди:
— Мен сизга бошка бир масалада кирувдим.

Чўрқ этмадим, кўзига тик боқдим. Бироз довлдиради:

— Шу-шу, десангиз, хўжайин, майлида, лекин, шу мовуннинг ўрнига Холмат Хуррамни тайинлаб ўтирманг, бўлмагур одам. Ҳамма шу Холмат Хуррам мовун бўлади, деб юрибди. Эҳтимол, у истеъдодлироқ одамдир, лекин феъли чаток. Сизга дўстлик қилмайди. Мен синашга бир сафдошингиз сифатида Сизни оғохлантириб қўйиб дейман.

Кўзимни чирт юмдим. Бу идорага ишга келишимдан олдин хузуримдаги мутемужмални жуда баянд, гурури юксак одам деб ўйлардим, ахир элу халқ, Ватан шаъни, эрку хуррият ҳақида оташин шеърлар ёзиб, элни оғзига қаратиб, минбарларни мушгалаб маърузалар айтарди-ку...

Нафас олишга қийналаман. Ботинида бўрон кўзгалади. Ўзимни зўрга тияман. Ўрнимдан туриб, хона деразасини очаман.
— Хўп, Сиз бораверинг, — дейман қўли кўксига мендан ишора қутган Собит Муқимга.

Ташқаридан кирган шабада шаҳди дарпардаларга, стол устидаги қоғозларга титроқ солди. Шу кичкина дарчадан осмон,

бутун дунё, ҳаёт деган мўъжиза-кор илохий неъмат сиғишини, бу дарча ҳам худди инсоннинг қалб кўзига ўхшашини, агар очилмаса, ташқаридаги ҳаётдан узилиб қолишини, биқик ва зимистон бир муҳит ҳукмронлик қилишини хис этдим. Шу ишхонадаги биқилик ходимлар руҳиятини зимистон этганлигини пайқаб, қизик, бу идора ўзи бир аҳволда бўлса-ю, ташқаридаги офтобни кўрмаса, одамлар қалби шуурига қандай қилиб нур олиб қиради, бу маскан не тонгми, борлиққа қай аҳволда маърифат зиёсини улашсин, деган оғриқли ҳаёлга бордим.

Дарвоқе, гапни чўзмасдан мен ўзим қаерга ишга келдим, умуман, биз нима иш қиламиз, лўлдасини айтиб қўйиб. Хўш, ижодий бир идора. Газет чоп этамиз. Китоблар чиқарамиз. Халқнинг катта байрамларида нутқ ирод қиламиз, шеърлар ўқиймиз, кинолар яратамиз... нимаки тарғиб-ташвиқ тажаллисиди биз бормиз. Бир сўз билан айтганда, Зиёли! Ташқарида қараганда шундай, ичкарига кирсангиз эса бу — ҳали ўзингиз гувоҳ бўлган манзаралар... Ким билсин, бундай даргоҳларнинг ҳаммаси ҳам шундай эмасдир, лекин мен лоп этиб тушган муҳит гирдобин, унча-мунча одамни чирпирак қилиши аниқ эди. Мослашасан, пастлашасан, хаслашасан, охири бориб шу муҳит билра дўстлашасан, деганларини шу бўлади.

Ўз ўйларим ўмровимга оғриқ солиб турган кез қотиба кириб келди. Юришлари шаҳдам, чеҳраси гулгун. Эрталабки тундлугу терсликдан асар йўқ. “Ҳеч ким хайдалмайди...”, деган таъкидим овозаси буни ҳам хаволатгани чин.

— Тадбирларга одам сўра-мишди. Мактабга, университетга, маҳаллага... мана мавзулар. Ходимларни тақсимлаб чиқдим. Имзонингиз керак.

Хатларни кўздан кечирдим. Ҳаёлимда минбарда шеър ўқиётган Собит Муқим ва унга кўз тиккан сон-саноксиз эломон пайдо бўлди. Унинг изидан минбарга кичик, ўрта, катта ходимларимиз бирма-бир кўтарилиб маърузалар шамини баянлабди, гулдургул қарсақлардан талтайиб, тиржайиб туришгани ҳам намён бўлди.

Тушликда тасодифан Холмат Хуррам билан бир стол атрофида ўтириб қолдик. Атрофимиздаги ходимлар бизга аланглаб, бир-би-

рига маъноли кўз уриштиришади. Шу маҳал қўлида чойнак кўтарган Собит Муқим илжайибгина ёнимизга чўкди. Менга зимдан назар солди. Сўнг Холматга қараб қўйди. Менга яна маъноли қараш қилди.

— Яхши ўтирибсизларми? Мен сағал олдинроқ чиқибман тушликка. Овқатландим. Улуғларимиз билан бирга чой ичай деб келдим.
— Яхши-да, — деб қўйди Холмат.

— Хуллас, хўжайин, Сизга айтган гапларим чиппа-чин. Мана, Холматжоннинг кўз олдида ҳам айтаман, Холматжон мовунлиққа жуда ҳам муносиб, — у Холматга юзланди, — эрталаб хўжайинга кириб сизни мактаб чиқдим. Шу одамни ўзингизга ўринбосар қилиб олинг, дедим. Мана нон турибди.

Эх-х-х, не кўз билан қўрай, Собит Муқим қўлида нон бўлагини тутиб, қасам ичиб турибди.

Борлиқ зимистон тортиб, юзимдан олов чиқиб кетди. Қулоқларим шангиллади. Шу гапни айтди-ю, Собит Муқим илжайган қўйи, чой хўплай бошлади. Холмат минг бир хижолатда қимирлаб қўйди.

— Муносибсиз укам, муносибсиз, — деди Собит Муқим овозини баянлабди.

Унинг нон ушлаган қўлига, бепарда юзига боқиб, тилим калимага келмай қолди.

— Тушдан кейин университетга боришим керак экан, хўжайин, — деди у менга дадил қараб, — шахс ва миллий гурур, мардлик, Ватан химояси борасида маъруза қиларканман. Худди шу маъруза бир-икки шеър ҳам ўқийман.

Собит Муқим тазбирга тайёр-гарлик кўриши лозимлигини айтиб, ўрнидан турди.

Мен унинг ортидан қарахт холда анграйиб қолдим. Оний лаҳзада қўлида бир бўлак нон тутиб Ватан ва миллат, озодлик ҳақида шеър ўқиётган Собит Муқим ва минбарга чиқиб учун бесабрлик билан навбатла турган кичик, ўрта, катта ходимлар — гурури гўр ғумбақларнинг қиёфаси жонланади!

Оёғим остидаги ерининг жуда ҳам қаттиқ эканлигини хис қиламан...